

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

5-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-5

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-5



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2022-SI-5>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslovovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farxod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


1. Хужаназаров Азизжон Анварович НОРМА ИЖОДҚОРЛИГИ ФАОЛИЯТИ МОНИТОРИНГИ ВА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	5
2. Чориев Махмуджон Аҳмад ўғли ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ МЕХАНИЗМЛАР.....	13
3. Якубов Ахтам Нусратуллоевич КРИПТО-ВАЛЮТАНИ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	22
4. Юлдашев Иқболжон Рахимович МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ АСОСЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ.....	30
5. Зиядуллаев Махмуджон Джуракулович ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНИШИГА ХАЛҚАРО ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ.....	37
6. Шофиев Зоир Шониёзович ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ.....	44
7. Ачилов Муртаза Хатамович ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ СИФАТИДАГИ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	51
8. Джураева Анора Заппаровна СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНОВ В СФЕРЕ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ: ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ.....	61
9. Хайдаров Мирзоҳид Худойназарович ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ СУДЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШ ТАРИХИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	68
10. Рустамов Собир Алишерович МАЪМУРИЙ СУДЛАР ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	78
11. Курбонов Давлат Равшанович АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ШАХСНИНГ ОЗОДЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	86
12. Суннатов Воҳид Тошмуродович ПОРА ОЛИШ-БЕРИШДА ВОСИТАЧИЛИК ҚИЛИШ ЖИНОЯТИНИНГ СУБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ.....	97



Рустамов Собир Алишерович,
 Сирдарё вилоят маъмурий судининг судьяси
 E-mail: m.sirdaryo@sud.uz

**МАЪМУРИЙ СУДЛАР ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
 МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

For citation: Rustamov Sabir Alisherovich. ISSUES OF ENSURING THE OPENNESS OF ADMINISTRATIVE COURTS: PROBLEMS AND SOLUTIONS. Journal of Law Research. 2022, Special issue 5, pp.78-85

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7366010>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада муаллиф томонидан Ўзбекистонда фуқаро ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қонунга ҳилоф қарорлари ва ҳаракатларидан ҳимоялашда сўнгги пайтларда муҳим иштирокчилардан бирига айланиб бораётган маъмурий судларда рақамлаштириш жараёнлари илмий ва амалий жиҳатдан кўриб чиқилган. Хусусан, мазкур судлар фаолияти очиклигини таъминлаш бўйича мавжуд ҳолат, амалга оширилган ишлар ва юзага келаётган муаммолар, рақамлаштириш жараёнининг ҳуқуқий асослари, бу борадаги ижобий хорижий тажрибалар атрофлича ўрганиб чиқилган. Мақолада муаллиф томонидан маъмурий судлар нуфузи, очиклигини ошириш ва фаолиятини янада тартибга солиш бўйича илмий ва амалий таклиф, тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: маъмурий судлар, рақамлаштириш, электрон ҳужжат, аудио ёзув, суд баённомаси, суд қарори.

Рустамов Сабир Алишерович,
 Судья административного суда Сырдарьинской области
 E-mail: m.sirdaryo@sud.uz

**ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОТКРЫТОСТИ АДМИНИСТРАТИВНЫХ СУДОВ:
 ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ**

АННОТАЦИЯ

В данной статье автором с научных и практических позиций рассмотрены процессы цифровизации в административных судах, становящихся в последнее время одними из важнейших участников процесса защиты прав и интересов граждан и юридических лиц от неправомерных решений и действий органов государственной власти и управления в Узбекистане. В частности, подробно изучено современное состояние обеспечения открытости деятельности данных судов, осуществляемые в этом направлении работы и возникающие при этом проблемы, правовые основы процесса цифровизации, положительный зарубежный опыт в этой сфере. В статье автор представляет свои научно-практические предложения и

рекомендации по повышению авторитета и открытости административных судов и дальнейшему совершенствованию регулирования их деятельности.

Ключевые слова: административные суды, цифровизация, электронный документ, аудиозапись, судебный протокол, решение суда.

Rustamov Sabir Alisherovich,

Judge of Sirdarya Regional Administrative Court

E-mail: m.sirdaryo@sud.uz

ISSUES OF ENSURING THE OPENNESS OF ADMINISTRATIVE COURTS: PROBLEMS AND SOLUTIONS

ANNOTATION

In this article, the author from scientific and practical positions considers the processes of digitalization in administrative courts, which have recently become one of the most important participants in the process of protecting the rights and interests of citizens and legal entities from illegal decisions and actions of public authorities and administration in Uzbekistan. In particular, the current state of ensuring the openness of the activities of these courts, the work carried out in this direction and the problems that arise, the legal foundations of the digitalization process, and positive foreign experience in this area have been studied in detail. In the article, the author presents his scientific and practical proposals and recommendations for increasing the authority and openness of administrative courts and further improving the regulation of their activities.

Keywords: administrative courts, digitalization, electronic document, audio recording, court record, court decision.

Қонун устуворлиги тамойили асосида ётган суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципи демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш учун муҳим аҳамият касб этади. Айнан маъмурий судлар, яъни давлат билан фуқаро ёки юридик шахс низосини кўриб чиқадиган орган сифатида “мустақил ва холис суд” томонидан амалга ошириладиган одил судловга бўлган ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясида, Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлари хартиясида ва кўплаб миллий ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган.

Конституциямизнинг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Айтиш керакки, давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан фуқаро ёки тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилганда, уларни ҳимоя қилиш маъмурий судлар томонидан амалга оширилади.

2017-2021 йилларда бу борада маъмурий судлар томонидан 71 минг 794 та ариза ва шикоят кўриб чиқилган. Шундан 46 минг 411 таси (65 фоизи) қаноатлантирилган.

Маъмурий судларнинг биринчи навбатдаги вазифаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Қонун устуворлиги ва судьяларнинг мустақиллиги бузилиши инсон ҳуқуқларига таҳдид солади. Бу борада энг асосий масалалардан бири – маъмурий судларда очикликни таъминлашдир. Хусусан, бугунги кунда суд мажлисини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш тартибини жорий этиш энг илғор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда судлар фаолиятида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, иқтисодий судларда 2014 йил 1 январдан электрон ҳужжат алмашинуви, суд статистикасини юритиш, суд амалиётини таҳлил қилиш ва судлов ишларини юритишда процессуал муддатлардан самарали

фойдаланишни таъминлаш мақсадида марказлаштирилган бошқарув платформасидаги электрон маълумотлар базаси ишга туширилди.

Электрон маълумотлар базаси, бир томондан, судьялар ва суд аппарати ходимларига маълумотларни сақлаш, суд ҳужжатларини тузиш, чоп этиш ва процессуал муддатлардан унумли фойдаланишда қўл келмоқда. Бошқа томондан, судда ишларнинг тўғри, тезкор ва қонуний юритилишини мунтазам назорат қилинишини таъминламоқда.

Энг муҳими, ушбу ахборот тизимларидан фойдаланиш учун ҳар бир суддаги шахсий кабинетга алоҳида электрон рақамли имзо орқали кирилади.

Қайд этиш лозимки, маъмурий судларда рақамлаштириш йўналишида дастлабки қадамлар қўйилган бир пайтда, бошқа тармоқ судлари аллақачон бу жараённи бошлаб юборишган.

Мисол учун, 2012 йилда биринчи марта Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги **346-сон қарори** билан электрон судлов ахборот тизимини ишлаб чиқиш “маълумотлар алмашишнинг электрон воситалари орқали судга даъво, илтимоснома ва уларга илова қилинадиган ҳужжатлар билан биргаликда судга мурожаат қилиш имконияти берилиши таъминланишини ҳисобга олган ҳолда судларнинг веб-ресурсларини модернизациялаш” вазифаси белгиланган.

Ушбу вазифанинг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суд халқаро ҳамкорлар билан биргаликда (БМТ Тараққиёт дастури, USAID ва бошқалар) “E-SUD” тизими, Олий хўжалик суди учун “E-XSUD” тизими яратилди.

Маълумот учун: 2012-2016 йилларда хорижий ҳамкорлар томонидан “E-SUD” тизими учун **12 млн.** долл. ажратилган [1].

Маъмурий судларда иш юритиш самарадорлигини ошириш, судлар ва ички ишлар фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, судлов тизимида маълумотларни электрон тарзда олиш орқали маъмурий ишларни судга тақдим этиш ҳамда ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ муддатларни қисқартириш долзарб аҳамиятга эга.

Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги **ПҚ-3250-сон** [2] ҳамда 2020 йил 3-сентябрдаги **ПҚ-4818-сон** [3] қарорларида назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майда қабул қилинган «Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги [4] қарорига асосан, 2018 йилдан электрон маълумотлар базаси жиноят ишлари бўйича, фуқаролик ишлари бўйича ва маъмурий судларда ҳам жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сон қарори билан Олий суд ва Олий хўжалик судларининг бирлашиши муносабати билан суд ишларини юритишда, ахборот тизимлари Олий суднинг «E-SUD» ахборот тизимида мавжуд ахборот тизимларини ҳисобга олган ҳолда «E-XSUD» ахборот тизими негизида ягона ахборот тизимини яратиш бошланди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги **ПҚ-4818-сонли** қарори билан Олий суднинг мавжуд ахборот тизимлари асосида янги дастурий платформага асосланган замонавий технологияларни ҳисобга олган ҳолда “Адолат” ахборот тизимини яратиш вазифаси эълон қилинди.

Бундан ташқари, мазкур қарорнинг 3-банди иккинчи хатбошисида 2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш тартибини жорий этиш назарда тутилган.

Айни пайтда жами **665 та** суд заллари суд мажлисларини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш тизими билан таъминланган. Шу билан бирга, бугунги кунга қадар жами **385 та** суд заллари видеоконференсалоқа тизимлари билан таъминланган [5]. Мазкур

тизим ҳам суд мажлисларини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш имкониятига эга.

2014 йил сентябрдан бошлаб судларда видеоконференцалоқа тизимида фойдаланган ҳолда суд мажлисларини ўтказиш тартиби жорий этилди.

Мазкур тизимни афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- суд мажлисида иштирок этувчи шахслар ўз ҳудудини тарқ этмаган ҳолда суд мажлисларида иштирок этиш;
- фуқароларнинг суд мажлисида иштирок этишлари учун сарфланадиган вақти ва маблағини тежаш;
- тарафларнинг суд мажлисидаги иштирокини тўлиқ таъминлаш.

Статистика: **207 та** суд мажлиси зали мазкур тизим билан тўлиқ таъминланиб, **24 875 та** суд мажлислари ушбу режимда ўтказилган, натижада **57 999 нафар** иштирокчиларнинг **17,7 млрд.** сўм маблағи тежаб қолинган [6].

Амалдаги қонунчиликда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни судда кўриб чиқиш чоғида суднинг ташаббусига ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзуви амалга оширилиши мумкин (МЖТК 306-модда).

Шу билан бирга, маъмурий судларнинг суд мажлисини аудио ва (ёки) видеоёзувга олиш бўйича қуйидаги жиҳатлари мавжуд:

- ёпиқ суд мажлисини аудио- ва видеоёзувга олишга йўл қўйилмайди.
- суд мажлиси аудио- ёки видеоёзувга олинган тақдирда, суд мажлиси баённомасига суд мажлисида ёзиб олиш техника воситаларидан фойдаланилганлиги тўғрисида белги қўйилади.
- суд процесси иштирокчиларининг суд мажлиси аудио- ёки видеоёзуви билан танишиш ҳуқуқи мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда суд мажлислари тегишли аудиоёзиш воситалари билан тўлиқ таъминланган бўлишига қарамасдан, ушбу воситалардан **самарали фойдаланиш амалиёти** етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сон қарорида шахсий ҳаёт сири, тижорат сири сақланишини таъминлаш ва суд мажлислари қатнашчиларининг розилигини инобатга олган ҳолда суд қарорлари (ёпиқ суд мажлисларида чиқарилган суд қарорлари бундан мустасно) Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида эълон қилиниши бўйича дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш белгиланган.

Маълумот учун: Олий суднинг тегишли ахборот базасида жиноят ишлари бўйича судларнинг **атиғи 97 мингта**, иқтисодий судларнинг **307 мингта**, маъмурий судларнинг **54 мингта** ва фуқаролик судларининг **468 мингта** қарори эълон қилинган.

Ахборот базасига жойлаштирилган суд қарорлари таҳлил қилинганда, суд қарорларининг мазмуни жойлаштирилган суд қарорлари туркумига мувофиқ эмаслиги, қарорларнинг матни бўйича излаш имконияти йўқлиги ва бир қатор бошқа камчиликлар аниқланди. Ҳозирги вақтда суд қарорлари базаси ёрдамида бирорта амалий ва назарий мақсадларга эришиш имконияти мавжуд эмас.

Шу каби, қайд этилган қарорда 2019 йил 1 июль кунига қадар электрон стенография қилиш функцияси билан суд мажлисларини аудио-видеода қайд этишнинг миллий дастурий таъминотини ишлаб чиқиш белгилансада, ҳозирги қадар судлар фаолиятида ушбу дастур таъминотидан фойдаланилмай келинмоқда. Ваҳоланки, ушбу дастурий таъминотнинг таъминлаши судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли қарорида электрон стенография қилиш функцияси билан суд мажлисларини аудио-видеода қайд этишнинг миллий дастурий таъминотини ишлаб чиқиш учун Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасидан **1,5 млрд.** сўм ажратилиши назарда тутилган.

Афсуски, хозирги вақтда суд органлари томонидан яратилган ахборот технологиялари, кониқарли ахволда ишлайди деб айтиш қийин, улар қуйидаги камчиликлар билан ажралиб туради:

– ахборот тизимлари истеъмолчилар (суд процесси иштирокчилари)нинг эҳтиёжларига мослаштирилмаган, ҳақиқий фойдаланувчилар иштирокида синовдан ўтказилмаган, стандартларни ҳисобга олган ҳолда яратилмаган ва сертификациялаштирилмаган. Натижада тизимлардан фойдаланишда ҳужжатларни қидириш ўта ноқулай ва мураккаблашган, ҳужжатлар форматлари чекланган, матнларни ўқиш мумкин эмас, тез-тез техник узилишлар юзага келади ва ҳ.к.;

– судларнинг ахборот ресурслари мунтазам равишда бир неча соатдан 1-2 кунгача ишлашдан тўхташ ҳолатлари учрайди. Бу нафақат фойдаланувчилар учун ноқулайликлар келтириб чиқаради, балки жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини бузилишига олиб келади;

– назоратсизлик сабабли тизимлардан фойдаланиш суд ходимларининг хоҳиш ва истакларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Масалан, судлар “E-SUD” орқали олинган ҳужжатларни 10-20 кун ичида рўйхатдан ўтказмаслик ҳолатлари учрайди. Техник қўллаб-қувватлаш хизмати ва судларнинг раҳбарияти билан алоқа ўрнатилмаганлиги боис суд ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) тўғрисида тезкор чора кўриш ҳақида хабар юбориш имконияти яратилмаган;

– судлар томонидан ахборот технологияларидан фойдаланиш паст даражада, видеоконференцалоқа тизимидан ташқари бундай технологиялар аҳолининг кенг қатламларини қамраб олмаган. Масалан, ҳозирги вақтда судларда даъво аризалари кўриладиган ишларнинг умумий ҳажмидан тахминан **3-4%** аризаларни қабул қиладилар ва натижада охир оқибат қоғоз шаклига ўзгаради.

Энди суд мажлислари ва умуман суд фаолияти очиқ ва ошкоралигини таъминлашга қаратилган АКТ воситалари ишига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, бу борада ҳам жиддий камчиликлар кўзга ташланади:

1) суд мажлиси аудиоёзувини олиб бориш **ихтиёрий** равишда (яъни, суднинг ташаббусига кўра ёки суд процесси иштирокчиларининг илтимосномаси билан) амалга оширилади. Яъни, суд мажлисини аудиоёзувга олиш суд мажлисини ўтказишнинг зарурий шарти сифатида белгиланмаган. Суд мажлисини аудиоёзувга олиш масаласини ҳал этиш тўлиқ суднинг ихтиёрига боғлиқ бўлиб қолган. Ушбу ҳолат эса суд муҳокамасининг ошкоралигини тўлиқ таъминлашга, зарур ҳолларда суд мажлисини аудиоёзувга олишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

2) амалдаги қонунчиликка кўра, суд мажлисининг аудиоёзуви суд мажлиси баённомасининг тўлиқ бўлишини таъминлаш мақсадида олиб борилади. Яъни, суд мажлисининг аудиоёзуви суд мажлисининг аудио шаклдаги баённомаси эмас, балки суд мажлисининг ёзма шаклдаги баённомасини тўлдирувчи манба ҳисобланади. Бу эса суд мажлисини аудиоёзувга олиш аҳамиятини кескин пасайтирмоқда.

3) суд мажлисларида аудиоёзиш воситалари қўлланилган бўлишига қарамасдан суд мажлиси баённомалари ҳамон **тўлиқ равишда ёзма шаклда** юритилмоқда.

Амалиётда ушбу ҳолат:

– судья ёрдамчилари иш юкламаларининг **ўзгармаслигига**;

– қоғоз бўйича давлат сарф-харажатларининг **камаймаслигига** сабаб бўлмоқда.

Маълумот учун: 2021 йилда суд органларининг қоғоз бўйича сарф харажатлари **1 961 123 100** сўмни (ўртача **56 032** донга қоғоз қутиси) ташкил этади.

4) суд мажлисининг аудиоёзув материалларидан тарафларнинг фойдаланиш имконияти тўлиқ автоматлаштирилмаган. Аудиоёзув материалларининг нусхаси уни олиш юзасидан мурожаат қилган шахснинг ахборот ташувчи воситасига (яъни, флешкага) ўтказиш орқали тақдим этилади. Бу эса мурожаат қилган шахсларнинг ҳамда уларнинг мурожаатини кўриб чиқувчи суд ходимларининг қўшимча равишда овора бўлишига сабаб бўлади.

5) судларга суд мажлисининг аудиоёзув материалларидан самарали фойдаланиш имконияти тақдим этилмаган. Яъни, аудиоёзув материалдан фойдаланиш учун ушбу материални бошдан охиригача эшитиш, зарур жиҳатларини қайта-қайта тинглаш талаб этилади. Судлар эса аудиоёзув материалларини матн шаклига ўтказиш бўйича дастурий таъминот билан таъминланмаган.

Қайд этиш жоизки, судларнинг иш юкламалари йилдан йилга ошиб бораётган бир шароитда АКТ технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда уларнинг иш юритиш фаолиятини такомиллаштириш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, юқорида назарда тутилган суд тизимидаги мавжуд камчилик ва муаммолар Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Маълумот учун: Ўзбекистон халқаро Мерос жамғармаси томонидан юритиладиган Иқтисодий эркинлик индексининг (Index of Economic Freedom) 2021 йилдаги рейтингида **58,3** балл тўплаб, 178 та мамлакат ичида **108**-ўринда қайд этилди (“Одил судлов самарадорлиги” индикатори – **50.8** балл).

Бундан ташқари, Ўзбекистон Жаҳон одил судлов лойиҳаси нодавлат ташкилоти томонидан юритиладиган Ҳуқуқ устуворлиги индексининг 2020 йилдаги рейтингида **0.47** балл тўплаб, 128 та давлат ичида **92**-ўринда қайд этилди (“Жиноят ишлари бўйича одил судлов” индикатори – **0.44** балл).

Хорижий давлатларнинг қонунчилигида суд мажлисларини аудио ва (ёки) видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш тартиби суднинг қандай тоифадаги ишларни кўриб чиқишига боғлиқ равишда белгиланган:

1) Испания, Греция, Словакия, Руминия, Чехия [7], Грузия, Украина, Молдова, Озарбайжон, Россия, Белоруссия, Қирғизистон ва Қозоғистон қонунчилигида суд мажлисини аудиоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш суд мажлисини ташкил этишнинг мажбурий шарти сифатида белгиланган.

Испания Маъмурий-процессуал кодексига кўра, оғзаки суд муҳокамалари овоз ва тасвири ёзиб олишга имкон берадиган восита орқали ёзиб олинади. Суд мажлиси котиби ушбу ёзувлар мавжуд электрон ҳужжатнинг сақланиши учун масъул ҳисобланади [8].

Греция МПКсига мувофиқ, жиноят ишлари бўйича суд мажлисларини аудио шаклда қайд этиш мажбурий ҳисобланади. Баённома аудиоёзуви судьянинг кўрсатмаси асосида суд мажлиси котиби томонидан юритилади. Аудиоёзувнинг жисмоний ташувчиси (рақамли диск ва кассета) аудиоёзувнинг матн шаклидаги версияси билан таққослаш мақсадида суд иши билан биргаликда сақланади. Суд мажлисининг аудиоёзуви суд мажлисининг дастлабки баённомаси матнини шакллантиради. Судья ва суд мажлиси котиби томонидан имзоланган аудиоёзув матни суд мажлиси баённомасининг матни ҳисобланади [9].

Грузиянинг «Умумий судлар тўғрисида»ги Қонуни 13¹-моддасига кўра, суд суд процессининг аудио ва (ёки) видеоёзуви амалга оширилишини таъминлаш мажбуриятига эга. Суд тарафларнинг илтимосига кўра, суд процессининг аудио ва (ёки) видеоёзувидан фойдаланиш имкониятини тақдим этиши лозим.

Суд томонидан суд мажлисини қисман ёки тўлиқ ёпиқ тарзда ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилган ҳолларда тарафлар аудио ва (ёки) видеоёзувларни ошкор этмаслик тўғрисидаги шартномани имзолашлари талаб этилади [10].

Чехия Маъмурий процессуал кодекси 40-моддасида суднинг тарафлар билан муносабатга киришиши, далилларни кўздан кечириши ёки ҳал қилув қарорини эълон қилиши билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар аудиоёзув шаклида қайд этилиши белгиланган. Қонундан назарда тутилган ҳолларда аудиоёзув амалга оширилмаганда, ушбу ҳолатлар бўйича баённома тузилади. Суд мажлиси аудиоёзув орқали қайд этиш билан биргаликда баённома тузиш ҳақида қарор қабул қилиш ваколатига эга. Аудиоёзув билан баённома ўртасида зиддият келиб чиққанда, аудиоёзув устунлик мавқеига эга [11].

Сингапур Олий суднинг «Суд қоидалари тўғрисида»ги Қонуни 11-моддасида суд мажлисида қонунчиликда назарда тутилган аудиоёзув тизимидан фойдаланилганда, аудиоёзув суд мажлисининг расмий баённомаси ҳисобланиши назарда тутилган. Аудиоёзув тизимидан

фойдаланилмаган ҳолларда, суд мажлисида суд қарор қилган ҳар қандай усулда ёзиб олинган суд мажлиси жараёнининг қайдлари суд мажлисининг расмий баённомаси ҳисобланади [12].

Сингапурда барча суд заллари рақамли аудиоёзиш тизими (DART) билан таъминланган. Аудиоёзув материаллари зарур бўлган ҳолларда давлат судлари томонидан тайинланган «Eriq Singapore Pte Ltd» компанияси томонидан матн шаклига ўгирилади.

Суд иши бўйича тарафлар аудиоёзувнинг матн шаклини олиш юзасидан бевосита ушбу компанияга мурожаат қилишлари мумкин. Аммо, аудиоёзувнинг тасдиқланган матн шаклини олиш учун судга мурожаат қилиш талаб этилади. Давлат судлари суд мажлислари бўйича аудиоёзув материаллари нусхасини тарафларга тақдим этмайди [13].

Илғор хориж тажрибаси асосида суд мажлисини аудиоёзиш воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этиш тартибининг такомиллаштирилиши қуйидаги **ижобий ўзгаришларга** сабаб бўлади:

- суд процессида қонунийлик ва шаффофликни таъминлаш имконияти ошади;
- суд процессида йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаш осонлашади;
- суд хизматларини кўрсатиш самарадорлиги ошади;
- судья ёрдамчиларининг иш ҳажми кескин камаяди;
- процесс иштирокчилари суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзуви билан онлайн танишиш имконига эга бўлади;
- қоғоз бўйича судларнинг сарф-харажатлари кескин камаяди;
- Ўзбекистоннинг суд тизими бўйича амалиёти Халқаро рейтинг ва индексларда юқори баҳоланади.

Ҳорижий тажрибадан келиб чиқиб, республикамизда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:

1. “Суд мажлисини аудиоёзувга олиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг **Қонун лойиҳасини** ишлаб чиқиш ҳамда унда қуйидагиларни назарда тутиш:

- суд мажлиси аудиоёзувини мажбурий олиб бориш тартибини жорий этиш;
- аудиоёзиш воситалари техник носоз бўлган ҳолларда суд мажлиси аудиоёзуви олиб борилмаслиги;
- суд мажлиси аудиоёзуви олиб борилганда, суд мажлисининг қисқа баённомасини тузиш;
- суд мажлиси аудиоёзувининг манфаатдор шахсларга бепул тақдим этилиши, аудиоёзувнинг матн шаклидаги нусхаси ҳақ эвазига тақдим этилишига оид ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

2. Манфаатдор шахсларнинг мурожаатига асосан суд мажлисининг аудиоёзувларини «E-XSUD» ахборот тизими орқали **электрон тақдим этиш** тартибини жорий этиш. Бунда «E-XSUD» ахборот тизимидан фойдаланувчи аудиоёзувни ахборот тизимини ўзида фойдаланиш имконига эга бўлади ҳамда аудиоёзувдан нусха кўчириш имконияти тақдим этилмайди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. <http://ced.uz/kommentarii/problemy-uzbekskogo-pravosudiya-i-puti-ih-resheniya-prodolzhaem-diskussiyu/>
2. <https://lex.uz/uz/docs/3327998>
3. <https://lex.uz/uz/docs/4979896>
4. <https://lex.uz/docs/3723808>
5. <https://sud.uz/>
6. <http://hudud24.uz/sudlar-faoliyatida-ahborot-tehnologiyalari-ochiqlik-va-shaffoflikka-hizmat-qiladi/>
7. <https://www.zakonyprolidi.cz/cs/1961-141#cast1-hlava3-oddil2>
8. <https://www.boe.es/eli/es/rd/1882/09/14/>

9. <https://www.lawspot.gr/nomikes-plirofories/nomothesia/n-4620-2019/arthro-143-kodikas-poinikis-dikonomias-nomos-4620-2019>
10. <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/90676?publication=43>
11. <https://www.zakonyprolidi.cz/cs/1963-99#p40>
12. <https://sso.agc.gov.sg/SL-Supp/S914-2021/Published/20211201?DocDate=20211201>
13. <https://www.judiciary.gov.sg/services/audio-recording-transcription-services>

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

5-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-5

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-5

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000